

## ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДАГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев  
13 сентябрь куни Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини ҳам зиёрат қилди. Аини кунларда Самарқанд улкан

сиёсий воқеалар тараддудида. Бугундан олий даражадаги ташрифлар бошланади. 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси бўлиб ўтади.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ва фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармонида мувофиқ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнини мувофиқлаштириш ва уларнинг очиклигини таъминлаш, шунингдек, давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрларини юритиш имконини берувчи “Ягона давлат назорати” ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Белгилансинки, назорат қилувчи органлар томонидан 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинади. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тадбирлари тўғрисида маълумот текширув ёки профилактика тадбирлари туганган кундан бошлаб уч кун муддатда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида киритилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
  - а) назорат қилувчи органлар: “хавфни таҳлил этиш” тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камидан 10 иш куни олдин тадбиркорлик субъектини хабардор қилади;
  - тадбиркорлик субъектининг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказишга ва тадбиркорлик субъекти томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас;

Давоми 2-бетда

### Ўзбекистон — Россия:

## ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Президенти Владимир Путин 15-16 сентябрь кунлари мамлакатимизга ташриф буюради.



Россия раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда бўлиб ўтадиган саммитида қатнашади.

Россия билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Жорий йил икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида Тошкент ва Москва биргаликда ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга, икки мамлакат халқларини боғловчи кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Давоми 3-бетда

### Ўзбекистон ва Эрон:

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР УЎҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Эрон Президенти Иброҳим Раисий 14-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.




Эрон етакчиси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида иштирок этади.

Ўзбекистон — Эрон муносабатларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг янги мазмун касб этиб, тобора равнақ топиб бормоқда. Икки давлат етакчиларида Ўзаро муносабатлар даражасини замон талабларига мос равишда юксалтиришга бўлган кучли ирода мавжуд.

Давоми 3-бетда

### САМАРҚАНД САММИТИГА ТУҲФА

## “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР КОНСТИТУЦИЯЛАРИ” КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ



Жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли анжуман пандемия бошланганидан бери, яъни сўнгги уч йилда илк марта бевосита мулоқот шаклида ўтказилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти катта географик ҳудудни қамраб олади ҳамда сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштиради. Ташкилот қисқа фурсатда маслаҳат механизми шаклидан кенг қамровли давлатлараро бирлашмага айлана олди. Бунга ШХТнинг асосий инструментлари — тенг ҳуқуқлилик ва консенсус, цивилизациялараро ва маданий хилма-хиллик, шунингдек, барча аъзо давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш кабилар ёрдам берди.

Сўнгги йигирма йилда халқаро ҳамжамият ШХТ фаолиятида катта ўзгаришлар гувоҳи бўлди. Буюк ипак йўлининг марвариди — Самарқандда қатор муҳим концептуал ҳужжатлар, жумладан, “Шанхай руҳи” тамойили асосида халқаро миқёсда ШХТнинг тадрижий ривожини янги босқичга олиб чикувчи ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Самарқанд декларацияси қабул қилиниши кутилмоқда.

Давоми 4-бетда

### ШХТ САММИТИ ОЛДИДАН

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМУМПЛАНЕТАР ТАМОЙИЛЛАРИ



Дунё қалқиб турибди. Ер шарининг баъзи жойларида ўқ овозлари эшитилади. Урушлар, хунрезлик ҳолатлари мавжуд. Диний экстремизм, ақидапарастлик, терроризм инсониятга таҳдид солмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда дунё хавфсизлигини, тинчлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифасига айланмоқда. Тинчлик учун жавобгарликни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Давоми 2-бетда

### ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## МЎЙНОҚ — БУГУНИ КЕЧАДАН, ЭРТАСИ БУГУНИДАН ФАЙЗЛИ



КУНИ КЕЧА МЎЙНОҚ АЭРОПОРТИДА ИЛК ПАРВОЗЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ, “ТОШКЕНТ – НУКУС – МЎЙНОҚ” ЙЎНАЛИШИДА МУНТАЗАМ АВИАҚАТНОВЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

6-бетга қаранг.

### МУНОСАБАТ

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласи халқимиз ҳамда дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мақолада бугунги куннинг энг долзарб мавзуси — дунёда тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, тараққиёт йўлида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари таҳлил этилган. Бу борада Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўрни, хусусан, ушбу тузилманинг Самарқандда ўтадиган навбатдаги саммити аҳамияти, Ўзбекистон ташаббусларининг мазмун-моҳияти теран очиб берилган.

Бугунги ахборот глобаллашуви шароитида дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечмоқда. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч емирилиб, геосиёсий ўйинлар, ҳатто кулролли қарама-қаршиликлар тобора кенгайиб бораётир. Ўзаро ишончсизлик, ҳамкорлик алоқаларининг чеклангани жаҳон иқтисодиётини тушкунлик гирдобига ташлади. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган кулролли моjarолар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озик-овқат ва энергетика хавфсизлигини янада кескинлаштирди, нарх-наво кўтарилишига сабаб бўлди. Боз устига, иқлим ўзгариши, табиий бойлиқлар ва сув ресурслари танқислиги ортиси, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши инсониятни хавотирга солиб қўйди. Ҳўш, бундай талатўплар шароитида қандай йўл тутмоқ керак?

Давоми 4-бетда



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

тадбиркорлик субъектлари учун профилактика тадбирларини Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган режа-графиклар асосида тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда семинарлар, оммавий муҳокамалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, “очик эшиклар куни” тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, тарқатма материал ва кўлланимлар билан таъминлаш, тавсия ва хабарлар юбориш шаклларида амалга оширади;

б) тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини қуйдаги ҳолларда текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймастик ҳуқуқига эга:

текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда;

текширув белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганда;

улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош торганда;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларга “Ягона давлат назорати” ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тақиқланади.

4. Адлия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси ва назорат қилувчи органлар билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар давлат назорати функциялари ва текширувларни қўқартириш бўйича таклифларни Стратегик ислохотлар агентлигининг кенгашига киритсин.

5. Назорат қилувчи органлар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга:

бир ой мuddатда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда мажбурий талаблар рўйхатини; мажбурий талаблар ўзгарган тақдирда, ўзгартириш киритилган санадан бошлаб бир ҳафта мuddатда янгиланган мажбурий талаблар рўйхатини тақдим этсин.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармони талабларига мувофиқ, “Ягона давлат назорати” тизимида давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрлари лозим даражада (долзарб) ва барча учун очик ҳолатда юритилиши таъминласин.

7. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибини, шунингдек, назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқласин.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб

чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С.Қосимов ҳамда назорат қилувчи органлар раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 13 сентябрь

## ШҲТ САММИТИ ОЛДИДАН



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМУМПЛАНЕТАР ТАМОЙИЛЛАРИ

“

САМАРҚАНД САММИТИ, АЙТИШ МУМКИНКИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲОЗИРГИ ДУНЁДАГИ КАТТА МАВҚЕИНИ, ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ, ҚАТЪИЙ СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯСИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЁН ЭТАДИ. АЛБАТТА, БУ ФАЗИЛАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ СИЁСИЙ ЕТАКЧИ СИФАТИДАГИ УМУМПЛАНЕТАР ҚАРАШЛАРИДАН, УНИНГ КЕНГ СИЁСИЙ ВА БОШҚАРУВЧИЛИК САЛОҲИЯТИДАН, ПИШИБ ЕТИЛГАН МУАММОЛАРГА ЎТА ҲУШЁРЛИК ВА ЗУККОЛИК БИЛАН ЁНДАШАЁТганидан ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

## Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Мақолада таъкидланганидек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бошқа бир қатор блокларга ўхшаб сиёсий-ҳарбий, зўравонликлар орқали таҳдид йўлидан бормайди. У бирор давлатнинг ички ишларига аралашмайди. Давлат тузилмалари, бошқарув шакллари, сиёсий режими ва қарашларини қандай бўлса, шундайлигича ҳурмат қилади. Умумпланетар масалаларни ҳал қилишда катта гуманитар ёндашувлари, ақлга суянган ва шарқона билимлар савиясига таянган принциплари билан умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этганини кўрсатади. Бу эса Ўзбекистоннинг худди шундай ёндашув ва тамойилларига жуда мос келади. Зотан, Ўзбекистон унинг раҳбари сиймосида умумдунёвий масалаларни ҳал қилишда, инсониятнинг барқарор тараққиётга салбий таъсир кўрсатмаган, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни барқарор этишда юксак инсонпарварлик голяри билан ёндашиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Президентининг сиёсий етакчи сифатидаги феноменал жиҳатларини қуйидагиларда куришимиз мумкин. **Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси бирор-бир давлатнинг қуролли можароларига аралашмайди. Кескинлик ўчоқларига айланган ёки айланishi мумкин бўлган минтақаларда тинчлик ва барқарорлик мустақкам бўлишидан манфаатдор эканини билдиради.

**Иккинчидан**, ўз ҳудудида давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик принципларини амалга оширади.

**Учинчидан**, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни қатъият билан йўлга қўяди.

**Тўртинчидан**, Ер шари аҳолисининг асосий катта қисми жойлашган Евроосиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда тарихий аъналар асосида шаклланган ҳамкорликнинг замонавий шакл ва усуллари ишлаб чиқиб, жорий этади.

**Бешинчидан**, минтақавий тараққиётда геосиёсий мувозанатни сақлаб туриб, савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқалар кўламини кенгайтиради.

**Олтинчидан**, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини ҳушёрлик билан кузатиб бориш, прогнозлаш, унинг оқибатида келиб чиқадиган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, шу орқали минтақа хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларидан, превентив дипломатия имкониятларидан кенг фойдаланиши илгари суради.

**Еттинчидан**, ШҲТга аъзо давлатларнинг очик ва самарали бозорини ташкил этиш, унда иштирок этишининг кафолатини таъминлаш, кўп муқобилли транспорт-коммуникация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг юқорида баён этилган сиёсий қарашлари ва концепциясини амалга оширишда ШҲТнинг роли ва имкониятини кенгайтириш давр талаби эканини алоҳида таъкидлайди ва уни қуйидагича ифода этади: “Бу ташкилот маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташкилоти йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатларро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШҲТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланган”.

Ўзбекистон раҳбари ШҲТнинг Самарқанд саммити ҳақида гапирар экан, Афғонистон муаммосига алоҳида тўхталади. Дарҳақиқат, IX-XII асрларда буюк Ҳазнавийлар давлати пойтахти бўлган Ҳазна шаҳри денгиз сатҳидан 2225 метр баландликда жойлашган. Табиийки, асосий аҳоли пунктлари ҳам ана шундай баланд тоғлар бағрида, цивилизация марказлари бўлган йирик шаҳарлар ва улларнинг атрофидадир. Бу, албатта, давлат бошқарувида, хусусан, иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий тараққиётни янги босқичга кўтаришда қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бироқ булар улкан тарихга, буюк маданиятга эга афғон халқининг ҳозирги цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлишига, ўз ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишга монелик қилмайди. Чунки Кобул, Ҳазна сингари бир неча минг йиллик тарихга эга қадимий шаҳарлар ўз даврида инсоният тарихининг қайсидир босқичларида буюк цивилизациявий жараёни бошдан кечирган ва Ренессанс даврига гувоҳ бўлган.



Афғонистон жуда катта тарихий ва маданий тараққиётга гувоҳ макон. У ерда Шарк билан Ғарбни туташтириб турган қадимий бозорлар бўлган. Буюк ипак йўлининг энг самарадор, энг гавжум ва кут-баракали қисми ҳисобланган. Тарихий тақдир ва глобал манфаатлар тўқнашуви афғон халқининг кейинги салкам ярим асрлик тараққиётга кучли зарба берди. Бутун мамлакатни инқирозга учратиб, жар ёқасига олиб келди. Мамлакатда мавжуд ижтимоий омиллар танқислиги ички можаролар кучайиб кетишига олиб келди ва ҳатто борган сари чигаллашиб, ечимини топиш қийин бўлган муаммага айланиб қолди.

Бунда, албатта, ташқи кучларнинг ҳам таъсири бор.

Бугунги кунда ҳам Афғонистон жаҳон ҳамжамиятида геосиёсий, иқтисодий ва маданий нуқтаи назардан кенг имкониятларини сақлаб қолмоқда. Жумладан, у собиқ советлар маконини Хитой ва Ҳинд океанига қадар бўлган улкан худуд билан туташтириб турувчи халқаро транзит ва иқтисодий ҳамкорлик ролини бажаришда муҳим таянч вазифасини бажаради. Бир қатор хоржий давлатлар Афғонистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини билдирмоқда. Жумладан, Туркманистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон

газ қувурини ўтказиш ҳозирги замоннинг энг катта лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, табиий газ экспортда энг самарали йўналиш ҳисобланади. Туркманистон газини ўтказувчи ҳозиргача мавжуд бўлган, Россия ва Хитой ҳудудидан ўтган трассага нисбатан самарадор лойиҳа бўлиб қолади. Ана шу имкониятларни назарда тутиб, давлатимиз раҳбари “Афғонистонга биргаликда ердан қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашишимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қўлай шароит яратиб бериш бизнинг маънавий бурчимиздир”, деди.

Бундан ташқари, Афғонистонда Марказий Осиё мамлакатлари ва Покистонни боғлаб турадиган темир йўл, улкан қувватга эга бўлган электр энергияси тармоғи қурилиши ушбу улкан худуднинг истиқболдаги тараққиётини белгилаб берадиган лойиҳадир. Айни пайтда Ўзбекистон томонидан қурилаётган темир йўл Эрон лойиҳаси асосида амалга оширилаётган иншоот билан уланиб, Ҳиротгача бўлган маҳобатли замонавий Буюк ипак йўли тикланади. Ушбу ташаббусларнинг ҳаммаси аниқ ҳисоб-китобларга таянади ва натижадорлик касб этади.

Афғонистон табиий ресурсларни ташқи билангина қифояланмайди, у улкан ишлаб чиқариш имкониятларига ҳам эга. Улкада жуда катта нефть ва газ захиралари мавжуд. Маълумотларга қўра, бу ерда 40 миллион тонна нефть, 137 миллиард куб метр

газ захиралари борлиги аниқланган. Бундан ташқари, Афғонистонда мис, қимматбаҳо тошлар, уран ва бошқа конлар ҳам топишган. Бошқача айтганда, ушбу мамлакатда Менделеев jadвалидаги қарийб барча элементларни топиш мумкин. Ана шу улкан табиий бойликларни, ер ости ва ер усти манбаларини фойдаланишга топширишда бахтга қарши бу ердаги хавфсизликнинг кафолатланмагани, турли қуролли тўқнашувлар ва жангу жадаллар монелик қилмоқда. Айни пайтда мамлакатда ишсизлик даражаси жуда юқори. Аҳолининг 35 фоизи фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Тоза ичимлик сув етишмаслиги, ёқилги-энергетика танқислиги, таълим ва тиббий хизмат даражаси қониқарсизлиги, хавфсизлик кафолатланмагани жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-руҳий инқирозни тобора чуқурлаштирмоқда.

Ўзбекистоннинг ШҲТ навбатдаги саммитига раислиги жаҳон ҳамжамиятида жиддий ўзгаришлар юз бераётган, давлатлар уртасидаги ўзаро ишонч сусайиб бораётган, давлатларро ва минтақаларро муносабатларда салбий ҳолатлар юз бераётган, инсоният ҳаётида эса озиқ-овқат танқислиги, сув муаммолари, экологик вазият оғирлашиб бораётган бир пайтга тўғри келмоқда. Ана шундай глобал масалалар чигаллашиб турган шароитда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни яққол кўзга ташланмоқда. Самарқанд саммити, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг ҳозирги дунёдаги катта мавқеини, обрў-эътиборини, қатъий сиёсий позициясини яна бир бор намоян этади. Албатта, бу фазилатлар Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий етакчи сифатидаги умумпланетар қарашларидан, унинг кенг сиёсий ва бошқарувчилик салоҳиятидан, пишиб етилган муаммоларга ўта ҳушёрлик ва зуққолик билан ёндашаётганидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев қарашларига қўра, “дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас” дир. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШҲТ доирасидаги шерикликнинг принципий жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустақкам пойдевор бўлиши мумкин”. Чунки айни Самарқанд ўзининг улкан тарихий аъналарига мувофиқ, “устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муросяга келтиришга қодир бўлган платформага айланади”.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу қарашлари Самарқанд орқали Ўзбекистоннинг умумпланетар аҳамиятга эга бўлган ва хусусан, минтақанинг истиқболдаги тақдирини ўзида мужассам этган давлат сиёсати ифодасидир.



МУНОСАБАТ

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР



**Озидбек НАЗАРБЕКОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
маданият вазири

Президентимиз таъкидлаганидек, янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сони кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озик-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

Мақолани мутлоқ қилар эканмиз, ШХТнинг жорий йил 15-16 сентябрь кунлари асим Самарқанд шаҳрида бўладиган навбатдаги саммити анъанавий форматдагидан ўзгача ўтиши тасаввуримизда жонланади.

Хусусан, бу галги анжуманда ташкилотнинг сақиз аъзосидан ташқари, кузатувчи ва меҳмон сифатида Эрон, Беларус, Мўғулистон, Туркия, Озарбайжон, Туркменистон ва Арманистон президентлари ҳам иштирок этади. Шу маънода, Марказий ва Жанубий Осиё

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз мақолада муаммодан чиқиш йўлини кўрсатиб берди. Фақат конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатларни ҳисобга оладиган кўп томонлама ҳамкорлик муаммодан чиқишнинг ягона йўли бўла олади. Инқироз ва буҳронлар даврида мамлакатлар катта ёки кичиклигиндан қатъи назар, ўзининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймастан, ақинча, асосий эътиборни ҳамжихат-



“

**НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО САММИТНИНГ САМАРҚАНДДА ЎТҚАЗИЛИШИДА ҲАМ ЎЗИГА ХОС РАМЗИЙ МАЪНО БОР. “ЕР ҲАМ ЯНГИНИНГ САЙҚАЛИ”, ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИГАН БУ ҚАДИМИЙ КЕНТ КЎП АСРЛАР МОБАЙНИДА ЕВРОПАДАН ХИТОЙГАЧА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИ МУСТАҲКАМ РИШТАЛАР БИЛАН БОҒЛАБ, ШИМОЛ ВА ЖАНУБНИ, ШАРҚ ВА ҒАРБНИ ЯҒОНА ЧОРРАҲАДА ТУТАШТИРИБ КЕЛГАН.**

бий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим. Бундай ўзаро манфаатли минтақаларо ҳамкорликнинг намунавий рамзи сифатида трансфрон коридорининг қурилиши лойиҳасини айтиш мумкин. Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали иккита мақсадни рўйбга чиқара оламиз. Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ва транспорт коммуникацияси “кўприклар” ўрнатилди, иккинчидан, минтақавий хавфсизлик таъминланди.

“

**“ШАНХАЙ РУҲИ” ТАШКИЛОТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ СИЁСИЙ, ҲАРБИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ ҲАР ХИЛ ЎЛЧАМДА БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, УЛАРНИНГ БАРЧАСИ ТЕНГ ВА ҲАМЖИХАТЛИГИНИ БИЛДИРАДИ. АЙНИҚСА, ШХТ ДОИРАСИДА БАРЧА ҚАРОРЛАРНИНГ КОНСЕНСУС АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАМОЙИЛИ ҲАМ УНИ МУКАММАЛ ТУЗИЛМА СИФАТИДА НАМОЁН ЭТАДИ.**

ликка қаратиши лозим. Самарали халқаро ҳамкорлик — бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилidir. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжihat ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мана шундай улкан имкониятларга эга бўлган ҳамда халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётган нуфузли халқаро тузилмадир. У ташкил этилганидан буён қисқа вақт мобайнида глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди. Ташкилотнинг жаҳонда юз бераётган воқеаларга фаол муносабати, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўли дунё ҳамжамиятининг қизиқиши ва ишончи ортисида сабаб бўлмоқда.

ҳамда Евроосиё минтақасида жойлашган, айни пайтда нуфуси жиҳатидан жаҳон аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган мазкур мамлакатлар раҳбарларининг бир стол атрофида жамланиши, айтиш мумкин бўлса, глобал хавф-хатарлар кенгайиб, геосиёсий пўртаналар авжига чиққан ва ҳар қандай истиқболни олдиндан тахмин этиш тобора қийинлашаётган ҳозирги мураккаб дунёда ниҳоятда долзарблиги билан барчанинг диққат-эътиборидир.

Саммитда минтақавий хавфсизликни ва кўп томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш, тинч-тотув ва фаровон ҳаётни таъминлаш борасида самарали ютуқларга эришилшига шубҳа йўқ. Зеро, ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибadorлиги ва унинг фаолияти асосини ташкил этадиган тамойиллар ҳар қандай ишда ана шундай ёруғ умид ва ишонч уйғотади.

Бинобарин, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот — ШХТнинг, биринчидан, турли блоклардан холи ма-

қомга эга экани, иккинчидан, очиқлиги, учинчидан, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, тўртинчидан, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, бешинчидан, сиёсий қарама-қаршилиқ ва ихтилофли рақибликка йўл қўймастик каби тамойилларга риоя қилиши тузилманинг халқаро майдонда ҳурмат ва қадр топиши, давлатларнинг унга талпинишига сабаб бўлмоқда.

“Шанхай руҳи” ташкилотга аъзо давлатларнинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий қудрати ҳар хил ўлчамда бўлишига қарамай, уларнинг барчаси тенг ва ҳамжихатлигини билдиради. Айниқса, ШХТ доирасида барча қарорларнинг консенсус асосида қабул қилиниши тамойили ҳам уни мукамал тузилма сифатида намоён этади.

Ўзбекистон ташкилот доирасида конкрет ва амалий ташаббусларни илгари сурапти. Олайлик, Ўзбекистон раҳбарининг транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озик-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим йўналишлардаги ташаббуслари рўйбга чиқса, ШХТ доирасидаги иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бир неча баробар ошади, ташкилотнинг иможи ва обрў-эътибори янада юксалади.

ШХТ доирасида миллий манфаатларимизга жавоб берадиган кўп томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича илгари сурилган барча тақдир ва ташаббусларимиз минтақадagi барқарорлик ҳамда ҳамкорлигини мустаҳ-

камлашнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади. Чунончи, сўнгги йилларда Ўзбекистон ШХТ доирасида янги ҳамкорлик платформаларини ишга тушириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди: Президент фармони билан Тошкентда ШХТ Халқ дипломатияси маркази очилди, ташкилотга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг учрашувлари механизми йўлга қўйилди. Самарқандда “Ипак йўли” туризм халқаро университети барпо этилди. Бу пойтахтимизда муқаддам очилган Минтақавий ақсил-террор тузилмасига қўшимча ташкилотлар сифатида Ўзбекистоннинг аҳамиятини янада кучайтирди.

Ташкилотга раислик Ўзбекистонга кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олишда яхши имкониятлар берди.

“Хар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади” шиорини амалда рўйбга чиқариш йўлида ташкилотнинг янада кучли ва халқаро ҳамкорлар учун янада жозибador бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилинди.

Президентимиз мақолада Афғонистонни ШХТ маконининг ажралмас қисми сифатида таъкидлагани бежиз эмас. Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи ушбу мамлакатдаги барқарорлик минтақа хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ўтказилмак саммит Афғонистондаги мураккаб

вазиратни кенг муҳокама этиш учун жуда қулай дипломатик майдондир.

Афғонистон билан ўзаро муносабатлар, жафокаш афғон халқига ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришни кучайтириш билан боғлиқ барча масалалар ҳамон халқаро ҳаётнинг кун тартибиди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб, келгусида Афғонистонга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш тақдирини илгари сурмоқда. Ҳозир мамлакатимиз гуманитар инқирозга йўл қўймастик учун бу давлатга зарурий озик-овқат, нефть ва электр энергиясини етказиб беришда давом этмоқда.

Зеро, ҳозирги мураккаб бир пайтда бу давлатни яққалаб қўйиш мавжуд вазири ва тарангликни янада кучайтиради, холос. Шу сабабли, аввало, қўшни давлатлар бундай шароитда яқдиллик ва бир-бири билан мувофиқлаштирилган ҳаракатлар қилиши аҳамияти кескин ошади.

Шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисмидир. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Қолаверса, Ўзбекистон ташаббусларининг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Ўрни асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистон энди Марказий ва Жану-

Нуфузли халқаро саммитнинг Самарқандда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамизий маъно бор. “Ер ҲАМ ЯНГИНИНГ САЙҚАЛИ”, дея эътироф этиладиган бу қадимий кент кўп асрлар мобайнида Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, шимол ва жанубни, шарқ ва ғарбни ягона чорраҳада туташтириб келган.

Шубҳасиз, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қудратини ва жозибadorлигини ошириш билан тарихга қиради. Самарқанднинг шонли тарихий мероси ва ўзига хос руҳи бунга хизмат қилади.

Боз устига, Янги Ўзбекистоннинг фаол дипломатиясида Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ташаббусларини илгари суриш учун ноёб платформа бўлмоқда. Сўнгги йилларда шаҳарда қатор йирик форумлар муваффақиятли ўтказилди. Қўлга киритилган тажриба, ўзаро ҳамжихатлик, ахилтлик ва фаровон ҳаётни ўзида муҷассам этган “Самарқанд руҳи” “Шанхай руҳи” билан уйғунлашиб, уни янада тўлдирди. Шу сабабли, аминмикки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз: халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципал жиҳатдан янги форматини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор яратилди.

САМАРҚАНД САММИТИГА ТУҲФА

## “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР КОНСТИТУЦИЯЛАРИ” КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ


Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” мақоласида тўғри таъкидлаганидек, “Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас бўлган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққо ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир... “Самарали халқаро ҳамкорлик — бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилidir”.

Қадимдан “ғоялар ва билимлар ўчоғи, маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳаси” бўлган Самарқанд ҳозир ҳам давлатлараро мулоқот, глобал ва минтақавий масалаларга ечим топиш учун энг муносиб шаҳарлардан биридир. Бугунги кунда “Самарқанд руҳи” мамлакатимизнинг муҳим халқаро ва дипломатик ташаббусларини илгари суриш ҳамда тарғиб этиш учун ўзига хос майдон вазифасини бажармоқда.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий дипломатиясида Самарқанд алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу қадимий ва навқирон шаҳар “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” халқаро конференцияси (2017 й.), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018 й.), Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми (2020 й.) каби жаҳон миқёсидаги йирик анжуманларга мезбонлик қилгани фикримиз далилидир.

Самарқанддаги ШХТ саммити арафасида академик А.Саидов масъул муҳаррирлигидаги янги нашр — “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар конституциялари” китоби чоп этилди.



Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан тайёрланган мазкур тўплам ШХТнинг расмий тилларида “ТАСВИР” нашриётида юқори сифатда қалин муқовада нашрдан чиқди. Китоб саҳифаларидан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар — Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Покистон конституциялари ўрин олган.

**Нашр ШХТ миқёсида конституционализм ривожининг барча жабҳалари билан танишиш имконини беради. Тўпламда қайд этилганидек, “ШХТ — бу цивилизациялараро мулоқот ва маданий-ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун истиқболли майдон эканини унутмаслик керак”.**

Халқ дипломатияси, туризм, дўстлик ва яхши қўшничилиқни кучайтириш, янги маданий-ижтимоий ташаббуслар орқали “Шанхай руҳи”ни амалда ифода

этиш, шунингдек, ШХТ фаолияти кун тартибиди ахборот-коммуникация технологиялари, камбағалликни қисқартириш, ўсимликлар карантини, ШХТнинг глобал миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш ва халқаро алоқаларини кенгайтириш каби ҳамкорликнинг янги йўналиш ва шакллари билан боғлиқ ҳам муҳимдир.

Китобда таъкидлаганидек, “ШХТ маконининг конституциявий ривожланиши муйян умумийлик билан тасвирланади”. Ташкилотга аъзо давлатлар конституцияларининг динамик ривожланиши, уларда “халқ ҳокимиятчилиги, давлат бошқарувининг республика шакли, давлатнинг ижтимоий ва дунёвий хусусиятлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, мулк шакллари кўплиги ва тенг ҳуқуқлилиги, ҳудудий яхиллик” каби тамойиллар мустаҳкамлангани шулар жумласидандир.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ШХТга аъзо барча мамлакатларнинг конституцияси илк бор яхлит тўплам ҳолида нашр этилди. Тўплам ҳар бир мамлакатнинг конституциявий ўзига хослигини, ШХТ макониди конституциявий-ҳуқуқий плюрализм ва тадрижий ривожланишни намоён этиши билан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар даврида ШХТга аъзо мамлакатларнинг конституцион тажрибасини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ушбу нашрнинг аҳамиятини янада оширади.

Мамлакатимизнинг ШХТга раислиги доирасида нашр этилган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар конституциялари” китоби илмий тадқиқотчилар, олимлар, давлат идоралари, илмий ва таълим муассасалар мутахассислари, талабалар ва жаҳонда конституционализм тараққиети масалаларига қизиқувчи кенг аҳоли қатлами учун керакли ва фойдали манба бўлиши шубҳасиз.

**Мирзатилло ТИЛЛАБОВЕВ,**  
юридик фанлар доктори

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ЯНГИ УФҚЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ

Ўзбекистоннинг 2022 йил ШХТга раислиги даврида Лондондаги нуфузли Роутledge (“Routledge”) халқаро нашриёти томонидан “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: янги уфқларнинг очилиши” китоби чоп этилди

Китоб ШХТ мамлакатлари ва хорижий тадқиқотчилар томонидан тайёрланган бўлиб, унга ўзбекистонлик олимлар — Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази бўлим мудири, тарих фанлари доктори, профессор Мирзоҳид Раҳимов ҳамда Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори Омонулла Муҳаммадҷонов ҳаммуаллифлик қилган.


Жумладан, М.Раҳимов ШХТ шаклланиши ва институционал ривожланишининг тарихий ва ҳуқуқий жиҳатларини, О.Муҳаммадҷонов эса Ташкилотга аъзо давлатларда транспорт ва логистика масалаларини ёритиб берган.

Китоб муаллифлари ШХТ тарихига кирувчи бир қатор давлатлар вакиллари бўлиб, ҳуқуқий тартибга солиш призмаси орқали Ташкилот имкониятлари ва уларга эришиш йўлида дуч келаётган муаммоларни таҳлил қилган. Муаллифлар ШХТнинг иқтисодий, гуманитар, ҳуқуқий, савдо, меҳнат, миграция ва атроф-муҳит соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини, шунингдек, хавфсизлик ва мудофаа билан боғлиқ анъанавий муаммоларни ҳамда Ташкилот доирасидаги давлатлар ҳамкорлиги сифатини таҳлил қилган.

Китоб халқаро Scopus маълумотлар базасига киритилган бўлиб, унда ШХТнинг шаклланиши ва ўзгариш тарихи, замонавий таҳдидларнинг глобаллашуви шароитида Ташкилот фаолиятининг асосий жиҳатлари қамраб олинди.

Нашр халқаро муносабатлардаги минтақавийлик ва универсаллик жараёнлари билан қизиқувчи кенг китобхонлар, олимлар ва сибасатчилар учун ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Президентимиз 12 сентябрь кунини эълон қилган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида “Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик



ташкилотга раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди”, дея қайд этди. Шу маънода, 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон раислигида бўлиб ўтадиган Самарқанд саммити арафасида ўзбекистонлик олимлар иштирокида мазкур китобнинг нашр этилиши ўзига хос туҳфа бўлди.

**Лутфулла СУВОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

Нарзулла ЖЎРАЕВ,  
сиёсий фанлар доктори, профессор,  
Маърифат тарғиботчилари жамияти аъзоси

Хозирги дунё туб ўзгаришлар, тафаккурдаги эврилишлар даврини бошдан кечирмоқда. Турли сиёсий мақсадлар, янги жаҳон тартиботини вужудга келтириш, дунёга эгаллик қилиш мақсад ва иддаолари жиддий тус олмақда. Давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви тобора чуқурлашмоқда. Сиёсий ва ғоявий қарама-қаршиликлар инсоният тараққиётига путур етказмоқда, умумдунёвий муаммага айланмоқда.

Жумладан, Президентимиз "ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққий йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган, янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади", дейди.

Давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви авж олаётган, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш хислари камайиб бораётган бир шароитда ШХТнинг навбатдаги саммитида Ўзбекистоннинг раислик

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ — ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУҲИМ СИЁСИЙ СУБЪЕКТИ

Эътибор СУЛТОНОВА,  
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бугунги кунда давлатимиз очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ташқи сиёсатимизнинг устувор вазибалари дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларга йўналтирилган. Бунинг яққол тасдиғи жорий йил 15-16 сентябрда Самарқандда бўлиб ўтadиган ШХТнинг Ўзбекистон раислигидаги саммитидир. Мамнуният билан қайд этганимиз лозимки, унда 15 давлат раҳбари, 10 та халқаро ташкилот вакиллари қатнашади. Бу кўп кутб дунё шаклланаётган даврда жаҳон майдонида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нақадар муҳим сиёсий субъектга айланганини намён этади.

ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори асосида Тошкентда ШХТ Халқ дипломатияси маркази ўз фаолиятини бошлади. Қисқа вақт ичида ШХТ давлатлари ўртасида фан, таълим, тасвирий санъат, спорт, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди ва халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар янада кучайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо барча давлатлар билан турли сиёсий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашувлар, шу жумладан, давлат раҳбарларининг 2017–2022 йиллардаги музокаралари натижасида стратегик шерикчилик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ШХТдаги ҳафсизлик, иқтисодий, транспорт, илм-фан, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор ташаббуслари амалга оширилди ва Ўзбекистон ШХТда янги платформаларни яратиш бўйича ташаббусларга айланди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, 2017 йилда Ўзбекистон тақрифи билан бошланган ШХТга Ҳиндистон ва Покистон каби йирки давлатларнинг аввал кузатувчи, сўнг тўлақонли аъзо бўлиб қўшилиши сиёсий майдонда давлатимиз нуфузининг янада ортишига сабаб бўлди.

Хозирги кунда Ташкилот аъзо ва кузатувчиларга эга бўлган 19 та давлатдан иборат. Умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрда (Евроосиёнинг 60 фоизидан ортиқ) бўлиб, унда дунё аҳолисининг қариб ярми истиқомат қилади. Айтишимиз лозимки, Ўзбекистон раислигида ШХТ доирасида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, саноат кооперациясини илгари суриш, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш, ШХТнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш каби устувор йўналишларга эътибор кўчилади.

Ўзбекистоннинг ШХТ билан ўзаро манфаатли, тўлақонли, дўстона ҳамкорлиги, унинг халқаро муносабатларда янги босқичга кўтарилиб, жаҳон миқёсидаги сиёсий нуфузи кескин ошганлиги намён бўлмоқда.



Қурол-ярғоқ ишлаб чиқариш пойгаси, инсон ҳаёлига сиғмайдиган ва тасаввур қилиш қийин бўлган янги-дан-янги оммавий киргин қуроллари пайдо бўлаётгани инсониятни ташвишга солмоқда. Унинг буюк ороларига, яшаш шавқу завқига, турмуш саодатига жиддий таҳдид солмоқда. Ана шундай мураккаб иқтисодий, маънавий ва руҳий озурдалликлар пайтида инсон ва инсоният ҳаётига эзгулик олиб кирадиган, умумдунёвий муаммоларни ҳал қилишда юксак ақл-идрок ва бой маънавий қудрат билан ёндашадиган, бошқача айтганда, шарқона инсонпарварлик ва донишмандлик анъаналарини қалтирмас ҳаддада дадиллик билан намён этадиган нуфузли уюшмага эҳтиёж тобора охиб бормоқда. Тула ишонч билан айтиш мумкинки, бу умумдунёвий эҳтиёжнинг ягона ва бирдан-бир таянчи, инсониятнинг ишончи ва барча давлатлар манфаатларини ўзида ифода этган, бағрикенглик тимсоли бўлиб Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзини намён этмоқда.

Зотан, ШХТ ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий, иқтисодий устунликка интилмайди. Давлатларнинг ички ишларига аралашмайди. Уларнинг суверенитетини ҳурмат қилади. Унга аъзо давлатлар халқаро меъёрларда белгиланганидек, тенг ҳуқуқли ва ўта инсонийлашган мақсадлар атрофида бирлашган. Хозирги пайтда ШХТ ҳудудида Ер шаро аҳолисининг қариб ярми яшайди, 2030 йилларга бориб асосий кўпчилигини ташкил этади. У ғоят маҳобатли, минтақа тақдирини қатта сиёсий маданият, сиёсий ахлоқ, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат қилиш, давлатларнинг қатта ё кичиклигидан, аҳолисининг кўп ё озлигидан, иқтисодий имкониятлари-

дан қатти назар, унга аъзо давлатлар минтақа бугуни ва истиқболни учун бирдай жавобгар эканини тула намён этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетасининг 2022 йил 12 сентябрь сонидан чоп этилган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: Ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласида худди ана шу масалалар кўтарилган.

ШХТнинг Самарқанд саммити хозирги дунё шароитида ўзига хос сиёсий, иқтисодий ва маънавий мазмунга эга. Зотан, қадимий Самарқанд ўзининг уч минг йиллик тараққиёти даврида инсоният ҳаётига нур таратган, унинг қалбига зиё бахуш этган муъжизавий макондир. Бир неча баркамол ва қудратли давлатчилик пойтахти сифатида минтақада иқтисодий ҳаёт даражасини мислсиз кўтарган, фан, маданият, санъат ва адабиёт ривожига замин яратган, қатор цивилизацияларга макон бўлган, мағрибу машриқни, шимолу жанубни боғлаб турган муқаддас гўша. Самарқанддан етишиб чиққан ёки Самарқанд илмий мактаби сабоғини олган, оламшумул қасбифеълари билан инсоният тараққиётига ҳисса қўшган олим уламолар қарашларида тор миллий манфаат бўлмаган. Аксинча, улар учун бутун инсоният битта одам эди. У Ер шарининг қайси нуқтасида яшамасин, инсон экани учун бахтли, саодатли, фаровон яшаш ҳуқуқига эгалиги, инсон миллати, элоти, ирки, иқтисодий қилиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатти назар, олий қадрият, у ҳар қандай ҳурмат ва эҳтиромга лойиқлиги ғоясини илгари сурган. Ушбу фикрлар давлатимиз раҳбарининг мақола мақоласида чуқур таҳлил этилган ва дадиллик билан ўртага ташланган.

қилиши ва меъзон бўлиши хозирги тобора мураккаблашиб бораётган жаҳон сиёсатида Янги Ўзбекистоннинг бутунлай янги, умумдунёвий қудратини яна бир бор кўрсатади. Ўзгариб бораётган умумланетар дунёқарошнинг инсонийлашуви, қадриятлар устуворлиги, давлатлар ва халқларнинг буюк маданиятини, маҳобатли ўтишини ва бугунги ғоят ўқтам ва дадил тараққиётини ҳурмат қилишга қақиради.

Давлатимиз раҳбари мақор қоласида, айтиш мумкинки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бугунги умумдунёвий ўрни ва маъноси тўлақонли равишда очиб берган. Зотан, бутун инсоният эзгуликка, яхшиликка, меҳр-муруватга, инсоний фазилатга қатта эҳтиёж сезмоқда. Ана шу эҳтиёж ШХТнинг ҳурмат-эътиборини тобора ошириб юбормоқда. Чунки бошқа минтақаий ва халқаро блоклар ҳарбий-сиёсий мақсадга қаратилгани билан инсониятнинг ишончидан қолмоқда. ШХТ эса айна ана шу умумдунёвий ишончга руҳ бағишламоқда, жон бағишламоқда. Бутун инсониятни, Ер шарини асрашнинг таянчига айланмоқда. Буни ШХТга аъзо бўлиш истагини билдираётган давлатлар йилдан-йилга кўпайиб бораётганида кўриш мумкин. ШХТ минтақаий ташкилот сифатида дунёга келган эди. Бироқ бошқа минтақадаги давлатлар ҳам ШХТга аъзо бўлиш истагини билдираётгани билан ШХТнинг ишончидан қолмоқда. Самарқанд эса ана шу умумдунёвий эҳтиёжнинг ишончли даъваткор минбарига айланмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

САМАРҚАНД САММИТИ ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ МУҲИМ ТАДБИРГА АЙLANADI

Севара ФАЙЗИЕВА,  
Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси экспертлар гуруҳи аъзоси

Айни пайтда дунё сиёсатшунослари, эксперт доиралари, етакчи таҳлилий марказлари диққат-эътибори Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Самарқанд саммитига қаратилган.



иқтисодий ҳамкорлик даражасини ошириш, янги транспорт йўлакларни имкониятларидан самарали фойдаланиш, Марказий Осий минтақасида барқарорлиги таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб масалалар доимий кун тартибда бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Бугунги кунда ШХТ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига қатта аҳамият бериб, уларни барқарор ривожланишининг асосий элементларидан бири сифатида баҳолайди.

ШХТ таъсис ҳужжатларида ҳам ҳамкорликнинг асосий мақсадларидан бири айнан экология соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка қаратилган. Шу боис, сўнгги йилларда экологик мавзулар ШХТ хавф-

сизлиги ва барқарор ривожланиши масалалари билан бевосита боғлиқ ҳолда тузилмадан барча якуний ҳужжатларида ўз аксини топмоқда. Масалан, ШХТга аъзо давлатларнинг 2007 йил 16 августдаги узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномасида томонларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит хавфсизлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, ресурсларни жалб қилиш, ушбу соҳаларда махсус дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш алоҳида белгилаб қўйилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун тартибининг илгари суриш мақсадида ШХТга аъзо давлатлар доимий равишда янги тадбирлар ўтказишда ташаббус кўрсатмоқда. Хусусан, Хитой Экологик ҳамкорлик тўғрисидаги битимини ишлаб чиқиш, Атроф-муҳитни ривожлантириш институти, Аҳборот алмашиш платформаси ва ШХТ Экологик инновациялар базасини ташкил этишга кўмаклашмоқда. Қозғонистон ташкилотга аъзо давлатларнинг экологик муаммолари реестрини тузиш, ШХТ экотизмининг рақамли харитасини ишлаб чиқиш, қуриган Орол денгизи тубининг фиторемедиация ҳўжалигини қайта тиклаш дастури ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва экологик туризмни ривожлантириш тарафдори. Тожикистон Музликларни ҳимоя қилиш халқаро жамғармаси, Ўзбекистон эса ШХТнинг "Яшил белбоғ" дастурини яратиш ва Орол минтақасининг экологик муаммоларини комплекс ҳал этишни (БМТ Бош

Ассамблеяси резолюцияси доирасида) қўллаб-қувватлашга қақиради. Ҳиндистон инновациялар ва стартап экотизимлари бўйича ишчи гуруҳ тузишни тақлим қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ШХТ давлатларига глобал даражадаги геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар даврида кўп томонлама ҳамкорлик аҳамиятини қайта кўриб чиқишни тақлим қилмоқда. Шу боис, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида Президентимиз ушбу ташкилот кун тартибининг сезиларли даражада янгилаш ва фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қиладиган қатор илгор ташаббуслар ва тақлимлар билан чиқиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ШХТ ва унга аъзо мамлакатларнинг барқарор тараққиёти учун астойдил ҳаракат қилаётганини Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласида ҳам ўз аксини олган.

Ўзбекистон етакчилиги ушбу мақолада муваффақиятли минтақаий ҳамкорлик модели, биргаликда ривожланиш орқали ташкилотнинг умумий муваффақиятга эриштириш йўлини, Самарқанд саммитидан қўтилаётган асосий натижалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Ишончимиз комилки, Янги Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган ушбу муҳим тадбир натижасида эришилган келишувлар келгусида нафақат ШХТ доирасида, балки бутун дунёда глобал аҳамиятга эга ижобий ўзгаришларга мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

"ОНА МАДҲИ" ижодий ишлар танлови

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан "Она мадҳи" ижодий ишлар танловини эълон қилади.

Танловга ҳаётимиз қувончи, оилаларимиз кўрки бўлган мўътабар она сиймоси юксак даражада тараннум этилган шеърлар, ҳикоялар ҳамда эсселар қабул қилинади.

Танлов 3 та йўналишда ўтказилади.

1. "Энг яхши шеър" (1-, 2-, 3-ўринлар);
2. "Энг яхши ҳикоя" (1-, 2-, 3-ўринлар);
3. "Энг яхши эссе" (1-, 2-, 3-ўринлар).

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилади. Танловга тақдим этилган асарлар сараланиб, китоб ҳолида чоп этилади. Тақдим этилган ижодий ишлар ҳеч қандай эълон қилинмаган бўлиши шарт. Ижодий ишлар 2022 йил 25 ноябрга қадар қабул қилинади.

Танловда 30 ёшгача бўлган ижодкорлар иштирок этишлари мумкин. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган ижодкорлар мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллик байрами арафасида диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар электрон ҳолда муаллифнинг шахсий маълумотномаси, телефон рақами ва паспорт нусхаси билан бирга қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.  
E-mail: badiiy\_adabiyot@mail.ru.

Мурожаат учун телефон: (71) 231-83-67.  
Телеграм рақам: (90) 968-08-25.  
ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ, АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

